«Бағдоддонмахсулотлари» акциядорлик жамияти акциядорларининг 2017йил молия-хўжалик фаолияти юзасидан йиғилиш

БАЁНИ

Умумий йиғилиш ўтказилган сана – 17 апрель 2018 йил

Умумий йиғилиш ўтказилган манзил - Бағдод тумани Отхона қишлоғи жамият мажлислар зали.

Умумий йиғилиш раиси: Т. Топиев

Котиби: Х.Хошимов

Умумий йиғилишда қатнашдилар:
Жамиятнинг жами овоз берувчи акциялар сони- 1274117 дона ундан қатнашдилар 905771 дона акцияга эгалик қилувчи юридик ва жисмоний шахслар қатнашди. Йиғилиш кворуми-71,09 фоиз

Умумий йиғилишда кўриладиган масалалар:

1. Жамият бошкарувининг 2017 йил якуни бўйича хисоботини тасдиқлаш.
2. Жамият 2017 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўгрисидаги хисоботини тасдиқлаш.
3. 2017 йил жамиятнинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссияси ва ички аудит хисоботини тасдиқлаш.
4. Бошкарув раиси билан тузилган мехнат шартномани 1 йилга узайтириш хақида.
5. Жамият Кузатув кенгашининг 2017 йил якуни бўйича хисоботини тасдиқлаш.
6. 2018 йил учун жамият аудитори ва унга тўланадиган хизмат хақи миқдорини тасдиқлаш.
7. Жамият Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.
8. Жамият тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш.
9. 2017 йил якуни бўйича фойда ва зарарлар хисоб варағини тасдиқлаш, соф фойдани тақсимлаш.
10. Жамият бошкарув раисининг 2017 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
11. Жамият бошқарув аъзоларини сайлаш.
12. 2017 йилда жамият бошкарувининг касаба уюшма кумитаси билан биргаликда «Уздонмахсулот» АК, вилоят ва туманлар хокимликлари карорлари ва тавсиялари, турли ташкилотларнинг хатлари асосида хомийлик ёрдамлари курсатиш ва кам таъминланган оилаларга,

жамият ишчи ходимларига моддий ёрдам бериш юзасидан чикарган карорларини тасдиклаш, жамият балансидаги бетон ва цементли қоришма тайёрлаш участкаси майдонини жамият ишчи хизматчиларга уй-жойга бериш тўғрисида.
13. 2017 йил молия-хўжалик фаолияти бўйича аудитор хисоботини тасдиқлаш.
14. Жамият Кузатув кенгашини рағбатлантириш тўғрисида.

Биринчи бўлиб сўзни йиғилиш раиси Т. Топиев олиб, бугун «Бағдоддонмахсулотлари» акциядорлик жамияти акциядорларининг 2017 йил якуни бўйича навбатдаги йиллик умумий йиғилишини ўтказиш учун йиғилганлигимизни ва йиғилишни бошлашдан олдин йиғилиш кворумини билиш учун сўзни саноқ комиссияси раиси М. Қўзиевга берди.

Санок комиссияси раиси ўз сўзида, жамият жами овоз бериш хуқуқига 1274117 дона акцияга эга эканлиги ва бугунги йиғилишда саноқ комиссиясининг баёнига асосан 905771 дона акцияга эгалик қилувчи юридик ва жисмоний шахслар қатнашётганлиги ва жамият устав жамғармасига нисбатан 71,09 фоизни ташкил этиши «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш туғрисида»ги Қонуннинг 75-моддаси ва жамият уставига асосан умумий йиғилиш кворуми мавжудлиги ва йиғилиш ваколатлиги эканлигини айтиб ўтди. Шундан сўнг Т. Топиев йиғилишни тартибли олиб бориш учун ишчи президиум тайинлаб олиш кераклигини айтиб, йиғилиш президиумига қуйидагиларни:

1. Б. Касимов - «Уздонмахсулот» АК вакили.
2. У. Махсудов - Жамият бошкарув раиси.
3. Т. Топиев - Кузатув кенгаши раиси
4. О. Қорабоев - Кузатув кенгаши аъзоси
5. Б. Хожикамолов – Кузатув кенгаши аъзоси

Йиғилиш котиби Х. Хошимов, саноқ комиссиясига М. Қўзиев, И.Ғуломов, С. Шерқулов, У. Каримов, Х. Эркаев, Ш.Бакиров, Ф. Абдурахмоновлар.

Йиғилиш раиси йиғилишни олиб бориш регламентини ўқиб эшиттирди ҳамда юқоридаги ишчи президиум аъзолари ва йиғилиш регламентини тасдиқлаб қўйишларини сўради. Йиғилиш қатнашчилари ишчи гурух аъзоларини бир овоздан тасдиқладилар.

Йиғилиш раиси кун тартибидаги биринчи ва ўнинчи масалалар бўйича сўзни жамият бошқарув раиси У. Махсудовга берди.
Маърузачи ўз сўзида

Ассалому алайкум,
хурматли акциядорлар ва азиз мехмонлар!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стоатегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб – қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида фармони эълон қилинди.

Кейинги бир йилда Ўзбекистон давлат ҳоккимияти ва бошқарув тизимида кенг кўламли ижобий ўзгаришлар рўй берди, бунда асосий эътибор фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва аҳоли манфаатларини амалда таъминлашга қаратилди.

"Инсон манфаатлари-ҳамма нарсадан устун", "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган эзгу ғоялар Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислохотларни ҳаётга татбиқ этишнинг асосини ташкил қилди.

Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида давлат ва жамият қурилиши тизимини сифат жихатдан яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий соҳа, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, вазмин ва амалий ташқи сиёсат юритишга қаратилган қатор аниқ ва амалий чора-тадбирлар кўрилди.

Шу билан бирга, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ҳамда давлат ва жамаият ҳаётининг барча соҳаларида қилинган ишларнинг танқидий тахлили жойларда аҳоли фаровонлигини ошириш ва ишлар аҳволини тубдан яхшилашга тўсқинлик қилаётган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари ўзининг 2017йил 22 декабрь куни парламентга йўллаган тарихий Мурожаатномасида ҳам мавжуд ўткир муаммоларга эътибор қаратди, уларни ҳал этишнинг аниқ йўлларини таклиф қилди.

Шу муносабат билан Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб – қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Давлат дастурининг биринчи йўналиши давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш;

Давлат дастурининг иккинчи йўналиши қонун устворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш.

Давлат дастурининг учинчи йўналиши иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш.

Давлат дастурининг туртинчи йўналиши ижтимоий соҳани ривожлантириш

Давлат дастурининг бешинчи йўналиши – хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, вазмин ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш

Жамиятда 2017 йил 4 чорак якунига кўра 39 минг 182 тонна ун махсулотлари, 27минг 400 тонна омихта ем махсулотлари, 1минг 538 тонна нон махсулотлари, 3 минг 382 тонна макарон махсулотлари, 7 минг 20 тонна уруғлик буғдой ишлаб чиқарилди.

2017 йилда махсулот ишлаб чикариш қиймати 59 миллиард 95 миллион 785 минг сўмни ташкил этиб, 2017 йилни 2016 йилга нисбатан ўсиш суръати 100,5 фоизни ташкил этди. 2017 йилда таққослама нархларда махсулот ишлаб чикариш 58 миллиард 463 миллион 523 минг сўмни ташкил этиб, 2017 йилни 2016 йилга нисбатан ўсиш суръати 100,7 фоизни ташкил этди.

2018 йил 1 январ холатига жамиятнинг дебиторлик қарзи 15миллиард 62 миллион 218 минг сўм, кредиторлик қарз 6 миллиард 231 миллион 227 минг сўмни ташкил этди. Шу даврга жамиятнинг умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси 675 миллион 591 минг сўм соф фойда 453 минг 433 минг сўмни ташкил этди.

Жамиятда 2017 йилда ишлаб чикарилаётган махсулотлар таннархини пасайтириш буйича тасдикланган комплекс чора-тадбирлар дастурини бажарилиши натижасида 394 милллион сўм маблағ иқтисод қилинди ёки махсулот таннархи 10,0 фоизга пасайтирилишига эришилди.

Йил давомида ишчи ходимларга иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ўз муддатларида бериб борилди. Иш хақидан қарздорлик мавжуд эмас.

2017 йил давомида қора металл парчаси ва чиқиндиси, рангли металл чиқиндилари ва коғоз чиқиндилари тайёрлаб қайта ишлаш

корхоналарига топширилди ва бу борадаги режалар ҳам ортиғи билан бажарилди.

Шу билан бирга 2018 йилда корхонада мавжуд имкониятлардан янада тўларок фойдаланган холда 2017 йил якунлари бўйича Вазирлар Махкамасида ва «Уздонмахсулот» акциядорлик компаниясида ўтказилган мажлисларда белгиланган устувор вазифаларни бажариш юзасидан тегишли чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш талаб этилади.

Бизнинг жамиятимиз бошқаруви ходимлари, корхона мутахассислари билан биргаликда хурматли Президентимиз томонидан белгилаб берилган энг мухим устувор вазифалар хисобга олган холда жорий йил учун бизнес режа тузилиб, бир қанча ижобий тадбирларни амалга оширилиши кўзда тутилган.
2017йил якунлари, қўлга киритилган ютуқлар, эришилган натижалар ва шу билан бирга ислохатларни амалга оширишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни бугунги тахлили жамиятимизнинг 2018 йилги фаолияти учун мухим ахамиятга эгадир.

Хисобот йили давомида бошқарув ходимларининг асосий эътибори акциядорларнинг ўтган умумий йигилишида қабул қилинган қарорларини бажаришга қаратилди. Натижада умумий махсулот ишлаб чикариш хажми ўтган йилга нисбатан кўпайиб, корхонанинг техникавий холати яхшиланди ва молиявий барқарорликка эришилди. Бундай ишларни амалга оширишда жамиятимиз аъзоларининг сидқидилдан қилган мехнатлари, ташкилотлар ва юкори ташкилотларнинг яқиндан кўрсатган ёрдамлари жиддий эътиборга лойик булди. Айниқса жамият ишчилари ва инженер-техник ходимлари ўз кучларини, билимларини ва мехнатларини аямасдан қилган харакатлари туфайли юкори кўрсаткичларга эришилди.

2017 йилда жамият Кузатув кенгаши ва бошқаруви томонидан жамият ишлаб чиқариш ва ёрдамчи цехларини узлуксиз бир меъёрда ишлашига эришиш, молиявий барқарорликни таъминлаш бўйича олиб борилган саъйи харакатлар натижасида йил давомида жамият элеватори, дон қабул қилиш шохобчалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, зарур хом-ашё базасини, керакли эхтиёт қисмлар ва зарур миқдорда қоп ва препаратлар захираси яратилиб борилди. Жамият томонидан фойдаланилган электроэнергия, табиий газ, сув, темир йўл ва бошқа транспорт хизматлари учун тўловлар, давлат бюджетига солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ўтказиб

борилди. Ишчи-хизматчи ходимларга иш хақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ўз муддатларида бериб борилди. Натижада жамиятни барқарор фаолият олиб борилишига эришилди.

Хурматли акциядорлар !

Жамиятимиз фаолиятида эришилган ютуқлар натижасида ишчи-ходимларни иш хақи ва мехнат татиллари ўз вактида тўланди, солиқ ва бошқа тўловларни хам муддатидан аввал ўтказилганлиги сабабли жамиятга салбий таъсир кўрсатадиган пенялар хисобланмади ва тўланмади.

Барчага маълумки, бизнинг сохамиз тизимидаги корхоналарда ишлаб чиқариладиган махсулотларнинг асосий хом ашёси бўлган буғдойни бизга Багдод, Риштон, Олтиариқ ва Сўх туманлари худудидаги ширкат ва фермер хужаликлари етиштириб беради. Мазкур ширкат ва фермер хўжаликларида дон хосилини баракали бўлиши учун зарур бўлган моддий ёрдамни кўрсатиш, ҳар томонлама кўллаб-кувватлаш билан бирга уларда етиштирилган хосилни давлат омборларига нес-нобуд қилмай топшириш учун хамма шароитлар яратилди. Натижада тузилган контрактация шартномаларига асосан сифатли буғдой дони қабул қилинди. 2018 йил учун хам ширкат хўжаликлар ва фермер хўжаликлар билан сифатли бугдой дони қабул қилиб олиш учун контрактация-шартномалари тузилди.

Корхонада ижтимоий химояга алохида эътибор берилиб, ишчи-хизматчиларга 6 миллиард 745 миллион сўм иш хақи хисобланди, Шундан 183 миллион сўми кам таъминланган ишчи ва хизматчиларга моддий ёрдам ва ишчи-хизматчиларга бепул овкат учун 312 миллион 553 минг сўмлик маблағ берилди.

Жорий йилнинг Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан белгиланган 2018 йил “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб – қувватлаш йили” муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 мартдаги ЭДО-21/1-421 сонли топшириғи, “Уздонмахсулот”акциядорлик компаниясининг 2017 йил 15 мартдаги № 03-35-12 – сонли “Уздонмахсулот” компанияси тизим корхоналари трмрнидан балиқ, парранда ва чорва моллари учун озуқа ишлаб чиқариш цехларини ташкил этиш бўйича 2017-2018 йилларга мўлжалланган чора – тадбирлар дастурига “Бағдоддонмахсулотлари”

акциядорлик жамияти омихта ем цехини модернизация қилиш киритилган.

Мазкур дастурга асосан модернизация қилиш кўзда тутилган корхона омихта ем цехини лойиха қуввати 90 тонна суткасига, лойиха қуввати 1 миллион 50 минг АҚШ доллари килиб белгиланган. Юқоридаги топшириқларни ижросини таъминлаш учун жамият бошқаруви томонидан жамият омихта ем цехини 2017 йилда модернизация қилиш юзасидан чора-тадбирлар ҳамда тармоқ жадвали ишлаб чиқилиб тасдиқланди ва амалга оширилмоқда. Омихта ем цехини модернизация қилишга технологик ускуналар сотиб олиш учун Россия ва Туркия давлатлари фирмалари тижорат таклифлари ўрганилди.Хусусан Туркия давлатиниг "Алапала" фирмаси билан 449,0 минг АКШ долларига шартнома тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб – қувватлаш йили" Давлат дастури бўйича "Бағдоддонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятида амалга ошириладиган чора-тадбирлар ДАСТУРИ ишлаб чикилди.

Хурматли акциядорлар!

Мен жамиятнинг 2017 йил молиявий хўжалик якунлари тўғрисидаги қисқача хисоботни Сизларни мухокамангизга хавола килдим. Музокарада фаол катнашиб фойдали таклифларингизни айтасизлар деган умиддаман.

Хисоботни якунлар эканман, мамлакатимизда барқарор ижтимоий-сиёсий муҳитни, энг асосийси меҳнат қилиб яратувчилик фаолияти билан шуғулланиш учун халқимизга барча зарур шароитларни яратилиб берилган. Шунингдек бизнинг корхонамизнинг барча соҳаларда юқори ижобий кўрсаткичларга эришиб компания тизимидаги корхоналар ичида энг юқори ўринни эгаллашида барча соҳаларда ўз қимматли маслаҳатларини бериб, иш тажрибасини ўргатиб келаётган жамиятимиз Кузатув кенгаши раиси Тўхтасин ака Топиевга ҳамда мен билан елкама-елка туриб жамиятимиз олдида турган вазифаларни бажаришга ўз ҳиссасини қўшаётган жамият ишчи ва хизматчиларига ўзимни чексиз миннатдорчилигимни билдиришга рухсат бергайсизлар.

Эътиборларингиз учун рахмат!

Шундан сўнг йиғилиш раиси кун тартибидаги иккинчи ва тўққизинчи масалалар бўйича сўзни жамият бош хисобчиси И.Ғуломовга берди.

Маърузачи ўз сўзида, жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича молия-хужалик фаолият юзасидан тушунтириш бериб, бунда жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларни бартараф этиш, ишчи ходимларнинг иш хақларини ўз вактида бериб боришга харакат қилинганлиги ҳамда бизнес режа кўрсаткичларини бажариш учун барча ишлар олиб борилганлигини айтиб, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар бўйича хисоботни тўлик йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшитирди.

Маърузачи ўз сўзида давом этиб, жамият томонидан 2017 йил якуни бўйича соф фойда 453432717,01 сўмни ташкил этганлиги ва кузатув кенгашининг тавсиясига кўра олинган соф фойда тақсимоти куйидагича;

1. Дивидендга - 362754559,24 сўм.
2.Бошқа (ривожлантириш) фондларига – 90678157,77 сўм.

Йиғилиш раиси кун тартибидаги учинчи, тўртинчи, олтинчи, ўн учинчи масалалар бўйича сўзни О. Қорбаевга берди.

Маърузачи ўз сўзида, тафтиш комиссияси жамиятнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти бўйича ўз тафтиш ишларини олиб бориб, ўз хисоботини берганлиги ҳамда ички аудит хизмати йил давомида жамиятда олиб бориладиган бухгалтерия операцияларини ва бошка хужжат ишларини назорат қилиб борган ва ҳар чоракда ўз хисоботини берган ва хисоботларни кузатув кенгаши кўриб борганлиги, жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича ташқи аудитори «ТТТ - Аудит» МЧЖ томонидан амалдаги тартиб бўйича текширув ўтказилганлиги ва ижобий аудиторлик хулосаси берилганлигини айтиб, аудитор хулосаси, тафтиш комиссияси ва ички аудит хисоботини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшитирди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш туғрисида” ги қонуни 111-моддасида устав капиталида Давлат акциялари (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказиш учун аудитор ташкилотини танлаш Узбекистон Республикаси Давлат Мулк Кумитаси ва Молия Вазирлиги томонидан белгиланган рўйхат бўйича танлов асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Мазкур қонуннинг 65-моддасига кўра аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш туғрисида қарор қабул қилиш акциядорлар умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатларига киради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб устав фондидаги давлат улуши эллик фоиздан кўп бўлган жамиятларда аудиторлик текшируви ўтказиш хуқуқига эга бўлган аудиторлик ташкилотлари рўйхатига асосан 2018 йил молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун "ТТТ-Аудит" аудиторлик ташкилоти номзодини умумий йиғилиш мухокамасига ҳавола этаман. Тўлов суммаси 21000000-00 сўмгача.

Шундан сўнг О. Қорабоев кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича қуйидагиларни гапириб ўтди: жамият бошкарув раиси У. Махсудов 2013 йил 30 майдан буён жамият бошқарув раиси лавозимида ишлаб келмоқда ва жамият иқтисодий ахволини баркарорлаштириш йўлида амалий ишлар олиб бормокда ва кузатув кенгашининг мажлисида У. Махсудов билан тузилган меҳнат шартномасини яна бир йилга узайтириш тавсия этилган ва бу умумий йиғилиш кун тартибига киритилганлигини айтиб ўтди.

Шундан сўнг кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича жамиятнинг кузатув кенгаши раисига хар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасининг 14 разряди бўйича тўлашни, кузатув кенгаши аъзоларига ҳар чорак якунига кўра энг кам иш хақининг 3 (уч) баробари миқдорида рағбатлантиришни умумий йиғилиш мухокамасига ҳавола этаман .

Шундан сўнг кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан кузатув кенгаши раиси Т. Топиев сўзга чиқиб, қуйидагиларни айтди:

Ассалому алайкум!

Хурматли жамиятимиз акциядорлари ва мехмонлар!

Ўтган 2017 йил «Халк билан мулокот ва инсон манфаатлари йили» йилини хурсандчилик билан якунлаб, хисобот йигилиши туфайли сизлар билан яна учрашиб турганимдан бехад хурсандман. Фурсатдан фойдаланиб «НАВРЎЗИ-ОЛАМ» байрами билан

сизларни кузатув кенгаши номидан хамда шахсан ўзим номимдан муборакбод этаман.

2017 йил давомида кузатув кенгаши бир неча карорлар кабул килди. Хар чорак якунлари бўйича жамият раиси У.Махсудов хисоботи кабул килинди. Хисобот йилида махсулот ишлаб чикариш хажми усган. Дебиторлик ва кредиторлик карзлари йил давомида камайтирилган. Йил давомида молиявий курсаткичларни доимо тахлил килиш ва камчиликларни бартараф этиш буйича кузатув кенгаши томонидан маслахатлар бериб борилди.

2017 йил якунига кура жамиятимизда махсулот сотишдан соф тушум 76 милиард 184 миллион 661,0 минг сумни, сотилган махсулотларнинг таннархи 65 милиарад 690 миллион 438,0 минг сумни, махсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси 10 милиард 494 миллион 223,0 минг сум, умумхужалик фаолиятнинг фойдаси 675 миллион 591,0 минг сум, соф фойда 453 миллион 433,0 минг сумни ташкил этди.

Жамият ички аудит аудиторлари хар чорак якунига кура кузатув кенгашига хисобот топширишди.

Хурматли Юртбошимиз томонидан 2018 йилни «Фаол тадбиркорлик , иновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб – қувватлаш йили » деб эълон килиниши муносабати билан жамиятимизда 2018 йилга белгиланган максадларга эришиш буйича дастурий чора – тадбирларни амалга ошириш учун жамият ижро органи касаба уюшма кумитаси билан биргаликда дастур ишлаб чикилди. Унга асосан 2018 йилда жамият молиявий холатини янада яхшилаш, тулов интизомини мустахкамлаш, асоссиз сарф-харажатларга йул куймаслик, муддати утган дебитор-кредитор карздорликларни хосил булишини олдини олишга, олинадиган соф

фойда ва рентабеллик даражасини купайтиришга каратилган аник чора-тадбирлар дастурини ишлаб чикишни таъминлаш ва уларнинг бажарилишини бошкарув йигилишларида мухокама килиб бориш вазифалари юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стоатегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб – қувватлаш йили"да амалга ошириш оид давлат дастури тўғрисида фармони эълон қилинди.

Кейинги бир йилда Ўзбекистон давлат ҳоккимияти ва бошқарув тизимида кенг кўламли ижобий ўзгаришлар рўй берди, бунда асосий эътибор фуқароларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва аҳоли манфаатларини амалда таъминлашга қаратилди.

"Инсон манфаатлари-ҳамма нарсадан устун", "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган эзгу ғоялар Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислохотларни ҳаётга татбиқ этишнинг асосини ташкил қилди.

Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида давлат ва жамият қурилиши тизимини сифат жихатдан яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий соҳа, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, вазмин ва амалий ташқи сиёсат юритишга қаратилган қатор аниқ ва амалий чора-тадбирлар кўрилди.

Шу билан бирга, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида қилинган ишларнинг танқидий тахлили жойларда аҳоли фаровонлигини ошириш ва ишлар аҳволини тубдан яхшилашга тўсқинлик қилаётган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Шу муносабат билан Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб – қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Давлат дастурининг биринчи йўналиши давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш;

Давлат дастурининг иккинчи йўналиши қонун устворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш.

Давлат дастурининг учинчи йўналиши иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш.

Давлат дастурининг туртинчи йўналиши ижтимоий соҳани ривожлантириш

Давлат дастурининг бешинчи йўналиши – хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, вазмин ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш

Этиборларингиз учун рахмат!

Шундан сўнг йиғилиш раиси кун тартибидаги еттинчи, саккизинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн тўртинчи масалалар бўйича сўзни жамият хисобчиси А. Сидиковга берди.

Маърузачи ўз сўзида давом этиб, кузатув кенгашига сайлаш учун «Уздонмахсулот» акциядорлик компаниясининг 2018 йил 29 январдаги № 14 – сонли хатида компания томонидан «Ўздонмахсулот» АК вакили Б.Касимов, «Ўздонмахсулот» АК вакили А.Менглиев, «Ўздонмахсулот» АК вакили Ш. Узаков, «Уздонмахсулот» АК вакили Ш. Ахмедов, «Ўздонмахсулот» АК вакили Ж.Холбоев, “Уздонмахсулот” АК вакили У. Мухтаров,”Уздонмахсулот” АК вакили Ш. Тиллаев номзодларини, «Файзиобод» МЧЖ дан Т. Топиев ва Б. Хожикамолов, А. Қаюмов, «Барака» ОИФ дан О. Қорабоев, “Туркистон инвест” акциядорлик жамиятидан О. Акилханов, ”Фойкон” акциядорлик жамиятидан Ш. Акбаралиев, “Мирзо Улуғбек” акциядорлик жамиятидан А. Уруновлар номзодлари киритилиши таклифи тушгани ҳакида гапириб, бундан бошка номзодлар таклифи тушмаганлиги учун уларни кумулятив сайлов бериш бюллетенларига киритишни таклиф тушган, бундан бошқа номзодлар таклифи тушмаганлиги учун уларни кумулятив сайлов беришни таклиф этди.

Жамият тафтиш комиссияси аъзолигига акционерлардан: Каримов Алижон, Мухиддинов Дилмурод, Дехконов Акмалжонларни номзодларини сайлашларини таклиф этди.

Жамият бошқарув аъзолигига жамият бошқарув раиси У. Махсудов, жамият молия ва савдо бўйича директор Б. Сотволдиев иқтисодий масалалар бўйича бошқарма бошлиғи Б. Ўриновлар, ишлаб чиқариш бўйича директор в.в.б У. Усмонов, бош хисобчи И. Ғуломов, бош иқтисодчи Ф. Муллаев, касаба уюшма кўмитаси раиси Т. Собиров, лаборатория бошлиғи ўринбосари М. Эргашева ва хисобчи Х. Шарофуддиновалар номзодларини сайлашларини таклиф этди.

А. Сидиков ўз сўзида давом этган ҳолда,

2017 йил давомида жамият ижро органи ва касаба уюшма қўмитаси билан биргаликда чикарган қарорларни йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг йиғилиш раиси кун тартибидаги барча масалалар кўриб бўлинганлиги ва санок комиссияси аъзоларини овоз бериш бюллетенларини олиб овоз бериш натижаларини хисоблаб чиқишларини мумкинлиги ва шунга қараб овоз бериш натижалари эълон қилинишини айтиб ўтди.

Санок комиссияси аъзолари овоз бериш натижаларини хисоблаб чиқиб, ўз далолатномаларини йиғилиш қатнашчиларига ўкиб эшитирди.

Санок комиссияси далаолатномасига асосан овоз бериш натижалари куйидагича;

1.Масала- розилар 99.89 фоиз Каршилар- йўк, Бетарафлар йўк.
2.Масала- розилар 99.89 фоиз Каршилар- йўк, Бетарафлар йўк.
3.Масала- розилар 99.89 фоиз Каршилар- йўк, Бетарафлар йўк.
4.Масала- розилар 99.89 фоиз Каршилар- йўк, Бетарафлар йўк.
5. Масала-розилар 99.89 фоиз Каршилар- йўк, Бетарафлар йўк.
6.Масала- розилар 99.89 фоиз Каршилар- йўк, Бетарафлар йўк.
9.Масала-розилар 99.89 фоиз Каршилар- йўк, Бетарафлар йўк.
10.Масала- розилар 99.89 фоиз Каршилар- йўк, Бетарафлар йўк.
11.Масала-розилар 99.89 фоиз Каршилар- йўк, Бетарафлар йўк.
12.Масала-розилар 99.89 фоиз Каршилар- йўк, Бетарафлар йўк.
13.Масала-розилар 99.89 фоиз Каршилар- йўк, Бетарафлар йўк.
14.Масала-розилар 99.89 фоиз Каршилар- йўк, Бетарафлар йўк.

7. Масала- кумулиятив овоз бериш натижалари;
- Топиев Тухтасин - 872655 дона овоз.
- Касимов Баромбек - 872655 дона овоз
- Тиллаев Шодлик - 872655 дона овоз
- Холбаев Жахонгир - 872655 дона овоз
- Қорабоев Одилжон - 32391 дона овоз
- Менглиев Абдусамат - 872655 дона овоз
- Хожикамалов Бахтиёр - 872655 дона овоз
- Акилханов Олим -овозлар йук.
- Мухтаров Улуғбек -872655 дона овоз.
- Каюмов Алимжон -овозлар йўқ
- Ахмедов Шакиржон - 872655 дона овоз
- Узаков Шухрат - 872655 дона овоз
- Акбаралиев Шовкат - овозлар йўқ.
- Урунов Алишер - овозлар йўқ.

8.Масала- кумулиятив овоз бериш натижалари;
- Мухиддинов Дилмурод - 905771 дона овоз.
- Каримов Алижон - 905771 дона овоз.
- Дехконов Акмалжон - 905771 дона овоз.

Овоз бериш натижаларига кура умумий йигилиш карор килди.

1.Жамият бошқарувининг 2017 йил якуни бўйича хисоботи тасдиқлансин.
2.Жамият 2017 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси тасдиқлансин.
3.Жамият 2017 йил молия-хужалик фаолияти бўйича тафтиш комиссияси ва ички аудит хисоботи тасдиқлансин.
4. Жамият бошқарув раиси билан тузилган мехнат шартномасини 2018 йилга узайтирилсин.
5. Жамият Кузатув кенгашининг 2017 йил якуни бўйича хисоботи тасдиклансин.
6. 2018 йил учун жамият ташки аудитори этиб «ТТТ-Аудит» аудиторлик ташкилоти тайинлансин ва унга тўланадиган хизмат хақи юкори микдори 21000000 сўмгача тасдиқлансин.
7. Жамият Кузатув кенгаши таркибига
Топиев Тухтасин
Касимов Бахромбек
Холбаев Жахонгир
Менглиев Абдусамат
Мухтаров Улуғбек
Тиллаев Шодлик

Ахмедов Шакиржон
Узаков Шухрат
Хожикамолов Бахтиёрлар қайта сайланган аъзолар тасдиқлансин.
8. Жамият Тафтиш комиссияси таркибига
Мухиддинов Дилмурод
Каримов Алижон
Дехконов Акмалжонлар қайта сайланган аъзолар тасдиқлансин.
9. 2017 йил якуни бўйича фойда ва зарарлар хисоб варағи тасдиқлансин ва соф фойда қуйидагича таксимлансин

Дивидендга	362754559,24 сўм.
Бошка (ривожлантириш) фондларга	90678157.77 сўм.

Дивиденд нақд пул, пул ўтказиш, жамиятда мавжуд бўлган омухта ем, кепак, озик-овкат махсулотлари макарон яъни натура шаклида берилсин.
10. Жамият бошқарув раисининг 2018 йил учун бизнес-режаси тасдиклансин.
11. Жамият бошкарув аъзолиги таркибига
Махсудов Улуғбек,Сотволдиев Ботиржон, Ўринов Бахтиёржон, Муллаев Фахриддин,Гуломов Илхомжон, Усмонов Умид, Собиров Турсунбай, Шарофуддинова Хафиза,Эргашева Махлиёлар қайта сайланган аъзолар тасдиқлансин.

12. 2017 йил йил давомида жамият бошқарув кенгаши, касаба уюшма қўмитаси билан биргаликда чиқарган яъни 9 январдаги 1-2, 10 январдаги 1-3, 26 январдаги 1-4, 2 февралдаги 2-1, 17 февралдаги 2-2, 22 февралдаги 2-3, 23 февралдаги 2-4, 28 февралдаги 2-5, 7 мартдаги 3-2, 10 мартдаги 3-3, 14 мартдаги 3-4, 17 мартдаги 3-5, 23 мартдаги 3-6, 30 мартдаги 3-7, 10 апрелдаги 4-1, 17 апрелдаги 4-2, 21 апрелдаги 4-3, 28 апрелдаги 4-4, 1 майдаги 5-1, 2 майдаги 5-2, 12 майдаги 5-2а, 15 майдаги 5-3, 19 майдаги 5-4, 31 майдаги 5-5, 1 июндаги 6-1, 9 июндаги 6-1а, 21 июндаги 6-2, 26 июндаги 6-3, 3 июлдаги 7-1, 20 июлдаги 7-1а, 27 июлдаги 7-2, 11 августдаги 8-1, 16 августдаги 8-2, 21 августдаги 8-3, 25 августдаги 8-4, 28 августдаги 8-5, 29 августдаги 8-6, 30 августдаги 8-7, 2 сентябрдаги 9-1, 4 сентябрдаги 9-1а, 7 сентябрдаги 9-2, 11 сентябрдаги 9 -2а,18 сентябрдаги 9-3а, 23 сентябрдаги 9-3, 25 сентябрдаги 9-4, 26 сентябрдаги 9-6, 29 сентябрдаги 9-7, 30 сентябрдаги 9-8, 6 октябрдаги 10-1,23 октябрдаги 10-1а, 24

октябрдаги 10-2, 27 октябрдаги 10-3, 10 ноябрдаги 11-1, 13 ноябрдаги 11-2, 29 ноябрдаги 11-3, 1 декабрдаги 12-1, 4 декабрдаги 12-2, 6 декабрдаги 12-3, 11 декабрдаги 12-3а, 12 декабрдаги 12-3б, 19 декабрдаги 12-4, 21 декабрдаги 12-5, 23 декабрдаги 12-6, 25 декабрдаги 12-7, 26 декабрдаги 12-7а, 28 декабрдаги 12-8 сонли қарорлари тасдиқлансин,жамиятга қарашли “Бағдод гранд экспорт импорт” МЧЖ балансидаги бетон ва цементли қоришма тайёрлаш участкаси худудидаги бино иморатларни жамият ишчи хизматчиларига амалдаги қонун қоидаларига асосан ваколатли ташкилотлар орқали бахолатиб сотилсин.

13. Жамиятни 2017 йил якунига буйича «ТТТ - Аудит» МЧЖ аудиторлик ташкилоти хулосаси тасдиқлансин.

14. Жамиятнинг кузатув кенгаши раисига ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасининг 14 разряди бўйича, кузатув кенгаши аъзоларига ҳар чорак якунига кўра энг кам иш хақининг 3 (уч) баробари микдорида рағбатлантирилсин.

Йиғилиш раиси: **Т.ТОПИЕВ**

Йиғилиш котиби: **Х.ХОШИМОВ**

Баённома тузилган сана “26” апрель 2018 йил.